

МУСТАҚИЛЛИК — бу сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликдир. Демак, Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатини бундан буён ўзи белгилашни қонунлаштиради. Республика дунёдаги барча мамлакатлар билан дипломатик алоқа ўрнатади ва иқтисодий битимлар тузилади. Президентимиз И. А. Каримов бошчилигидаги делегациянинг Ҳиндистондек буюк мамлакатга сафари Ўзбекистоннинг мустақиллигидан нишонадир.

Шу пайтгача бирор нарса бўлса дарҳол марказдан рухсат олинарди. Бир мисол келтирмоқчиман. Тошкентда «Билимлар уйи»ни қуриш ташаббуси билан чиққанимизда юқори мансабдаги кишилар бу ҳақда марказдан сўраш керак, деб масаланинг ечилишини орқага сураверипди. Лекин биз ҳам қаттиқ туриб олдик. Натижада пойтахт марказида ажойиб маданий марказ қад кўтарди.

Ўзбекистон мустақиллиги бундай ҳолатларга чек қўяди. Ҳаётимиздаги бу ўзгаришларни маҳаллаларнинг фаоллари ва аҳоли бир овоздан маъқуллашди. Тошкент шаҳрида маҳалла ҳаракатининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётган Сайдраҳмон Мирзаев, Неймат Ҳасанов, Шукр Темуров, Муҳаммаджон Абзалов, Кабир Комилов, Олим Ортиқов, Ёдгор Обидов, Низом Олимов, Сайфулла Оқмирзаев, Хурсан Мелиқулов, Фозил Солиев ва бошқа ўртоқлар 1 сентябрь кунини маҳаллаларда, катта майдонларда бўлиб ўтган халқ шодиёнасига бош-қош бўлдилар.

Ўзбекистон—мустақил давлат

МУРАККАБ, АММО НУРЛИ

Ҳозир пойтахт маҳаллаларида бир миллионга яқин аҳоли яшайди, 6 мингга яқин фаоллар, маҳалла оқсоқоллари миллий қадриятларимизни тиклашда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Маҳалла комитетлари Президент ҳокимиятининг бошланғич таянчи эканлигини таъкидламоқчиман. Улар Президент Фармонларини ҳаётга тадбиқ этишда таҳсинга сазовор ишларни амалга оширишяпти. Маҳаллаларда «Оила, мактаб ва маҳалла» ҳаракати остида мактаблардаги ўқиш жараёнини такомиллаштириш ва болалар тарбиясини яхшилашга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.

«Маҳалла» дастурининг қабул қилиниши шаҳримиз тарихида катта воқеа бўлди. Бу ҳужжатдаги кўрсатмаларни бажариш учун 200 миллион сўмга яқин маблағ маҳаллаларда боғчалар, мактаблар қуриш, шунингдек, канализация, газлаштириш ва телефонлаштириш учун сарфланади. Шубҳасиз, мустақил Ўзбекистон ҳукумати маҳаллаларга янада кўпроқ эътибор бериб, бу масканлардаги фаровонликни оширади.

Ҳақиқатан ҳам, маҳаллаларда жумбоқлар жуда кўп. Баъзи хонадонлар ётоқхоналарга айланиб бормоқда. Бир ҳовлида 2-3 оила истиқомат қилишга мажбур. Ишдан чарчаб келгандан сўнг дам олиш учун шароит йўқ. Шуларни эътиборга олиб, маҳаллалар яқинига 120-200 оилага мўлжалланган замонавий уйлар қуриш ҳақида ўйлаб қуриш керак.

Мустақил Ўзбекистон шароитида маҳаллаларда кичик корхоналар сони кўпаяди. Улар уйда ўтирган кўпгина аёлларимизнинг иқтисодий аҳволини яхшилайдди.

Бизнинг маҳаллаларимиз кўп миллатли. Руслар, татарлар, украинлар, қozoқлар, тожиклар ва бошқа миллат вакиллари ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги ҳар бир миллатнинг тинч ва тотув ҳаёт кечиршини таъминлайди.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари фавқулодда бешинчи съезди Иттифоқ шартномасини имзолашни тавсия этди. Бу — тенг, мустақил давлатлар Иттифоқи бўлиши керак. «Ўзбекистон раҳбарияти, ҳеч қачон, — деб уқдириб ўтди Президентимиз И. А. Каримов. — Қандай бўлмасин, ким билан Иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичида тенг бўлиш — халқимизнинг асрий орзусидир.»

Мустақиллик йўли машаққатли йўлдир. Бу йўлга эндигина қадам босилди. Олдимизда қийинчиликлар, қаршиликлар турибди. Биз бу қийинчиликларни енгилш учун бирдам, ҳамнафас, қатъий интизомли ва жасур бўлмоғимиз зарур. Олдимизда ҳур, озод ва бадавлат Ўзбекистонни қуриш вазифаси турибди. Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов адолат офтобини сақлашга чақирмоқда:

Сафга тизил набирам, отажоним тур энди.
Мустақиллик нашъасин, ҳақнинг бордир, сур энди.
Қўли бериб қўлларга, бир тан бўлиб юр энди,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,
Ўзбекининг ўз уруғини эканлиги рост бўлсин.

Қодир ФОЗИЛХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳар маҳаллалар Кенгашининг раиси,
профессор.



Электр пайвандчи Зийнатилла Зийгашин (ўнг томонда) ва уста Жўра акалар Собир Раҳимов районидagi «Янги турмуш» маҳалласидagi маданий-маиший

шоҳобчалар қурилишида фаол иштирок этишяпти.

Холмат Мирзакаримов сурати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР
МАҲАЛЛАЛАР КЕНГАШИДА

Чойхонанинг ИККИНЧИ ЎШЛИГИ

КЕНГАШНИНГ навбатдаги мажлисида пойтахтдаги чойхоналарнинг ҳозирги аҳволи ва уларни маданият марказига айлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

— Айни пайтда шаҳримиздаги 70 фоиз чойхоналар таъмирланиб, зарур шарт-шароитлар яратилди, — деди Тошкент шаҳар умумий овқатланиш бош бошқармаси қошидаги чойхоналар шўъбасининг бошлиғи Е. Исомиддинов ахборот берар экан. — 12 та даҳада бундай масканлар гузар шаклида бунёд этилаётгани кувончlidir. Кейинги пайтда Юнусобод даҳасидagi «Ўзбекистон 50 йиллиги» маҳалласида 2 та, Сергели районидаги «Иттифоқ» маҳалласида 1 та ана шундай замонавий чойхоналар қурилди.

Маърузачи ютуқлар билан бир қаторда чойхоналарни жиҳозлашга, бу жойларда намунали хизмат кўрсатишга эришмаётган маҳаллаларни тилга олиб ўтди.

Маъруза бўйича савол-жавоблар бўлиб ўтган мажлис раиси кенгаш аъзолари эътиборини кун тартибидagi бошқа масалаларга қаратди. Шундан сўнг Ленин район маҳаллалар ишлари мувофиқлаштириш Кенгашининг раиси Ж. Ортиқов, Фрунзе районидаги 8-мавзе комитетининг раиси Ш. Миралимовлар даҳа ва мавзёлардаги маҳаллаларда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш юзасидан кенгашлар томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот беришди.

Маърузаларни муҳокама қилиш чоғида сўзга чиққанлар қимматли таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдиришди.
Шавкат САЪДИЕВ.

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ХАРАЖАТЛАР ҲАМЁНГА ҚАРАБ

Бозор муносабатларига ўтишимиз ҳар бир жамоадан тадбиркорлик билан иш юритиш, тежамкор бўлишни талаб қилмоқда. Бунини яхши билган Абдусалом ака Вакилов ўзи раҳбарлик қилаётган Акмал Икромов районидаги Ойбек номли маҳалла фаолларини аҳоли турмушини яхшилаш учун бор куч-ғайратларини аямасликка ундапти. Келинг, яхшиини бу ҳақда у кишининг ўзларидан эшитайлик.

— Биз аввало эътиборни хонадонлардаги ортиқча чиқимни камайтиришга қаратаймиз. Хали тўй мавсуми бошланмасдан Қодир Бўронов, Тўхтамурод Хасанов, Мақсуд Файзиев, Обид Юсупов каби уруш ва меҳнат фахрийларидан иборат кенгаш туздик. Кенгаш аъзолари маҳалладаги тўй ва бошқа маросимларда қатнашиб, уларни ихчам ўтказилишига эришишяпти. Яқинда «Ташаббускор» кўчасида яшовчи Тўйчи Олимов ва Юсуф Аҳмедовлар қиз чиқариб, ўғил уйлантиришди. Тўй эгалари билан келишилган ҳолда ҳар икки тантана спиртли ичкиликсиз ўтказилганини айтиб ўтмоқчиман. Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Очиқ тан олиш керак, ўтган йиллар давомида жамғармаимизнинг аҳволи ниҳоятда ғариб эди. Идиш-товоқларни ижарага бериш, хайр-аҳсондан тушаётган ва бошқа маблағларни ўз ҳисобимизга ўтказиб, қисқа вақт ичида икки минг сўмдан ортиқ пул жамғаришга эришдик. Яна ёрдам беришга ваъда берганлар йўқ эмас. Эндиликда маҳалламизда яшаётган етим-есирлар, кам даромадли оилалар ва ногиронларга ёрдам бериш имконияти туғилди.

Харажатлар ҳамёнга қараб, дейишди. Шундай экан ҳамёндаги пулни кўпайтириш зарур. Фаоллар билан маслаҳатлашиб, имкони бор хонадонларда қорамол, парранда боқилишига шарт-шароитлар яратиб беришни мўлжаллашяпмиз.

Сухбатни Шерали ТУРДИЕВ ёзиб олди.



ХАТЛАРДАН САТРЛАР

МАҲАЛЛАМИЗДА 350 дан зиёд хонадон мавжуд. Новайи-хонада арзон нархда оби нон ёпилаяпти. Аммо аҳолига хизмат кўрсатувчи алоқа бўлими, сартарошхона, таъмирловчи устхона, рўзномалар дўкони, шунингдек, болалар учун спорт майдончаси ҳали йўқ. Агар Фитрат кўчасининг 2-ўтидаги база ўрнини бизга бўшатиб беришса ажойиб гузар қуриб олардик.

Н. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Ленин районидаги Сарикўл
маҳалла комитетининг раиси.

РАСТАЛАР қурилаётганлиги туфайли уйимизнинг учдан бир қисmini бузиб юборишди. Лекин район ижroiя комитети томонидан маблағ берилмади. Раҳбарларнинг айтишича, уй режа бўйича қурилмагани учун пул тўланмас экан. Шу адолатданми? Ахир бу жойни бунёд этаман деб, озмунча пешона тери тўкмаган эдим.

Носир КАРИМОВ,
Собир Раҳимов районидаги
Қизил тут кўчасида яшовчи.



Пойтахтимиздаги Мирза Юсуф маҳалласида барча вазифалар ва юзага келган муаммолар ҳамжиҳатликда ҳал қилинапти. Шу боис ҳам бу ҳудудда турмуш фаровонлигига эришилмоқда.

СУРАТДА: маҳалла фаолларидан бир гуруҳи режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Даврон Аҳмедов сурати.

Акс садо

«Катта қазни» обод бўладими?

«МАҲАЛЛАДОШ»нинг шу йил 13 июнь сониде «Қизил шарқ» лиқлар ташвиши» сарлавҳали мақола ёритилиб, ташландиқ ҳолга келиб қолган майдоннинг сурати ҳам берилди. Унда акс эттирилган жойнинг ёнида «Катта қазни» маҳалласи деган ёзув бор. Сураткашнинг унга кўзи тушмаганига ҳайронмиз.

Бу ҳудуд илгари обод гузар бўлган. Маҳалла шаҳар тасаруфига ўтгач, эътиборсизлик оқибатида клуб, новвойхона, дорихона, хўжалик моллари дўкони, маиший хизмат уйи, мебель дўконлари бузилиб кетди. 12—13 минг сўмлик китоб фондига эга бўлган кутубхона ҳам эндиликда йўқ. «Қизил шарқ» кўчаси тўсиб қўйилганидан 203-мактаб этагиде катта ахлатхона пайдо бўлганини айтмайсизми. «Катта қазни», «Қизил шарқ», «Тинчлик» маҳаллалари, шу-

нингдек «Қизил шарқ» мавзесидаги ўқувчилар ва ўқитувчилар шу кўчадан қатнаб эдилар. Афсуски, бошқа томондан айланиб ўтишга мажбур бўлишяпти.

Харобага айланиб қолган майдонга болалар боғчаси, ҳаммом, маданий-маиший шаҳобчалар куриб беришни сўраб маҳалла аҳли номидан тегишли жойларга мурожаат қилганмиз. Лекин қанча вақтдан бери бу масала ҳал қилинмай келинапти.

Райондаги мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари диққат-эътиборини бизнинг ҳудудга ҳам қаратишларини сўрардик. Шунда барча қулайликларга эга бўлган гузар қурилиши тезлашармиди?

Ғафур ЖАМОЛОВ,
А. Икромов районидеги
«Катта қазни» маҳалласи фаоли.

Бу нола—кимга ҳавола

БОРИДАН ЙЎҒИ ЯХШИ ЭКАН

УРУШ фахрийси Собиржон ота Раҳимов телефон тушириб оламан деб кўп югурди. Бахтига имтиёзи бор экан, ўтказиб беришди. Шодлигини бир кўрсангиз эди.

Минг афсуски, бу хурсандчилиги олсига бормади. 1 йил ўтмаёқ телефон бир кун ишласа ўн кун дам оладиган одат чиқарди. Отахон Чилонзор шаҳарлараро телефон станциясига боравери тинка-мадори қуриди.

— Телефоннинг бутунлай йиғиштириб олақол, дейишга мажбур бўлди у станция бошлиғи С. Аъзамовга. — Керак бўлса зарур жойга сим қоқмай ўзим инқиллабсинқиллаб бориб келарман!

Маҳалламиздаги Жўравой Маткаримов, Ҳикматилла Ортиқбоев, Шарифхон Норхўжаев, Владимир Лавров ва бошқаларнинг хонадонига ҳам худди шундай аҳвол. Кўп марта мурожаат қилаётганимизга қарамай раҳбарлар йўналишдаги кабеллар эскирган, янгиси топилмапти, деб ваз кўрсатишдан нарига ўтишмапти. Бу вақт ичиде қанча ишларни қилса бўларди. Аммо катталарга тошни ёргудек таъналар кор қилмагандан кейин қандай хулоса чиқариш мумкин ахир!

Шахсий телефонлар ҳам бир нави экан. Ҳозир биргина «Чоптепа» даҳасининг «Маданият» ва Навоий номли маҳаллалари ҳудудида 24 та корхона ва турли ташкилотлар бор. Ҳисоблаб чиқсак, улардаги 194 та телефон гоҳ ишлаб, гоҳ ишламай асабларни бузмоқда. Бундай вазиятдан ташвишланган маҳалламиз фаоллари маслаҳатлашиб, депутатларга мурожаат қилишга қарор қилишди. Натижада Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари Н. Резенко ва Д. Аҳмедовлар ҳамкорлигида телефон станцияси бош муҳандиси Баҳодир Мирҳабибов билан учрашиб, жиддий суҳбат ўтказдик. У «Чоптепа» даҳаси бўйича шуғулланишгаётганини айтиб, режага кўра қисқа фурсатда барча телефонларни ишлатиб беришга сўз берди.

Биз, бош муҳандис ҳузурида бўлганлар-ку Баҳодирнинг лафзига ишондик. Аммо чоптепаларнинг кўпчилиги бир йилдан бери берилаётган ваъдаларнинг навбатдигиси бўлса керак-де, деган шубҳага боришмоқда. Қани кўрайликчи, ким ҳақлигини вақт кўрсатади.

Башир ОРИФХУЖАЕВ,
Сергели районидеги Навоий номли маҳалла комитетининг раиси.



Маҳалладорларимиз дўконлардан харид қилишгаётган енгил саноат молларида кўплар қатори Хадича Рустамованинг ҳам ҳиссаси бор, десак муболага бўлмайди. Бу чевар аёл ҳозирги кунда Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор ишчиларидан бири ҳисобланади.

СУРАТДА: Х. Рустамова.

Фахрийларимиз

БЕҲУДА ЎТМАЁТГАН УМР

етказди. Ҳарбий хизмат тугаб, энди уйга қайтиш, туғишган опа-сингиллари билан дийдор кўришиш орзусида юрганда тўсатдан Ватанимизга немис-фашист газандалари бостириб кирди. Кўпчилик қатори Баҳром ака ҳам марказий фронтга отланди. Яна ўз машинаси-

билмадим, маҳалла идорасига чиқиб баъзи ишларда ёрдамлашаман. Шофёрлик касбини танлаган ёшларга устозлик қилиб, зарур маслаҳатларни бериб тураман.

Дарвоқе, Баҳром ота ўз фарзандларининг ҳам устоз-мураббийси. Катта ўғил Саиднаби ота касбини танлаб, адашмади. Ҳозир 3-автокомбинат жамоаси қарийб 15 йилдан буён бешикаст ишлаб келаётган Саиднабининг номини хўрмат билан тилга олишадим.

— Умримнинг ярим асри машина чамбарагини бошқаришда ўтибди, қанчадан-қанча манзилларни яқин қилиб, одамлар ҳолатини чиқарганимни ўйласам, «Ҳаётим беҳуда ўтмабди, хайрият», — деб қўяман ўзимга, — дейди ифтихор билан отахон.

Дарҳақиқат, умрини ҳалол меҳнатга бағишлаган киши ҳар қанча фахрланса ярашади. Сабоби, бугун у бошлаган ишни давом эттираётган муносиб шогирдлари, қолаверса, меҳнатдан бахтини топаётган беш нафар фарзанди ва 40 нафар бири-биридан ширин набиралари бор.

Отахоннинг кўксини иккита жанговар Ватан уруши орденлари ва бир қанча медаллар, шунингдек мардонатор меҳнати шарафига берилган III даражали Меҳнат Шухрати орденлари безаб турибди.

Яқинда Баҳром ота Комилонинг маҳалла ёшлари билан олиб бораётган ишлари муносиб баҳоланиб, унга Акмал Икромов район уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг фахрий ёрлиғи топширилди.

Зулфия МУҲАМЕДОВА.

да зарур асҳаларни таший бошлади. Баъзан жанг майдонидан оғир яраланган беморларни машинада олиб чиқди. 2-Болтиқбўйи фронтда Калинин йўналиши бўйлаб қадрдон машинасида Берлингача етиб борди. Брянск, 1-Белорус фронтларида ҳам мардонатор жанг қилган Баҳром ака Комилов Ғалабани Германияда қаршилади.

Ниҳоят, 1946 йил март ойида она шаҳри Тошкентга қайтиб, ўзи танлаган ҳайдовчилик касбиде ишлади. 1-автобус боғида 36 йил мобайнида виждонан меҳнат қилган Баҳром акани иззат-хўрмат билан пенсияга кузатишди. Шунга ҳам анча йиллар бўлди.

— Ишга ўрганган одамнинг уйда ўтириши қийин экан, — дейди отахон. — Шу боисми,

Қиш тайёргарликни ёқтиради

Лойга ботишмасайди

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Шифокорлар даҳаси тобора обод бўлиб бормоқда. Жарариқ кўчасида кўплад кўп қаватли уйлар курилиб, фойдаланишга топширилди. Бу жойларда юзлаб хонадонлар ҳовли тўйларини нишонладилар.

Буларку яхши, албатта. Аммо 1, 2, 3, 4, 6 ва 9-уйларнинг олди ҳамон асфальтланмагани одамларни ташвишга солмоқда. Чунки ҳадемай ёғин-сочинли кунлар бошланса лой кечиб юришга тўғри келади. Аҳоли бир неча марта Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига арз қилган бўлишга қарамай мутасадди ўртоқлар даҳага қиё боқмаётлар.

Абдуфаттоҳ НАБИХУЖАЕВ.

Қувурлар ўтказилмоқда

«ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг қурилиш бошқармаси томонидан С. Раҳимов районидеги «Марварид» кўчаси, Киров районидеги Мискин номли маҳаллада 400 метр ичимлик суви ва шўнча масофа канализация учун қувурлар ётқизилди. Шунингдек, пойтахтдаги «Илғор», «Кўнча», «Мевазор», Маннон Уйғур ва Улугбек номли маҳаллаларда ҳам қишки мавсумга тайёргарлик кўриляпти.

Трест жамоаси ҳозиргача 100 минг сўмдан ортиқ қўламдаги ишларни ба-жардилар.

Собир БОЗОРБОВЕВ.

МУҲАММАДРАСУЛ Расулий ўз даврининг етук зиёлиларидан бири, ажойиб инсон эди. У Октябр инқилобига рус-тузем мактабида муаллимлик қилди. «Раҳбари форсий», «Мунтахаби Гулистон», «Болалар боғчаси» каби китобларнинг муаллифи.

1924 йилда эски мактаб ўрнига ҳашар йўли билан янгиси қурилиб, «Учқун» деб номланди. Шу билим даргоҳига 4-синфга қабул қилинган Убайдулла отасидан билим ола бошлади. Муҳаммадрасул Расулий адабиёт дарсларини ҳаёт билан боғлаб ўтишга жуда уста эди. Убайдулла айнан мана шу фанни тиришиб ўқир, отаси сабоқ бераётгани туфайли билолмай, уялиб қолишдан қўрқарди.

Мактабда ўқиётганлар асосан катта ёшдаги болалар бўлиб, улар орасида ҳатто уйланганлари ҳам бор эди. Убайдулланинг хотирасида отасининг дўсти, ёзувчи ва драматург Ғулом Зафарий ўтган дарслар яхши сақланиб қолган. Бу меҳрибон устоз ҳар бир ўқувчининг қобилиятига алоҳида эътибор беради.

— Болалар, бугун дарсдан кейин кетиб қолманглар, — деди бир кунни домла. — Комилжон дўсти билан куй машқ қилиб бермоқчи.

Комилжон биз билан бирга ўқир, шунингдек Хадрадаги Эски шаҳар миллий мусиқа техникумида най чалиш санъатини ўрганаётган эди. Дарс тугагандан кейин у синфга танбур кўтариб олган бир йигитни бошлаб кирди.

— Ҳозир Комилжон билан Расулхўжа «Насруллои» куйини ижро этишади, — тушунтирди домла. Ранги кўкимтир, мазаси худди ҳолваникига ўхшаш. Диққат билан

тингласангизгина таъмини биласизлар.

Ғулом ака болаларни тинчлантириш учунгина шундай сўзларни айтганини Убайдулла кейинроқ англади. Ушанда ҳали танбур, най нималигини билмас ҳам созлардан таралаётган мусиқа ҳаёлини ўғирлаб, бутун борлигини ўзига жалб қилган эди. Шу бонсданми домла: «Агар хоҳловчилар бўлса, техникумга бориб ўқиши мумкин».

Оқиллар орамизда

ЗАФАРИЙНИНГ МЕҲРИ ТУШГАН

деганда биринчи бўлиб танбур чалишни ўрганмоқчи эканлигини айтди. Устоз Зафарий 5-6 болани бошлаб техникумга олиб борди. Убайдуллани ўша кезлари Тошкентда машҳур бўлиб кетган танбурчи Шобарот домла билан таништириб қўйди. У устознинг қўлида уч йил таълим олиб, созандалик сирларини мукамал ўрганиб олди.

— Мусиқани эгалладингизми, раҳмат ўғлим, — деганди Убайдулла отаси насихат қилиб. — Машшоқ бўлмайсиз, энди илм олишга киришинг.

Убайдулла 7-синфни битиргач, Бешёғочдаги «Алман» номли намуна тажриба мактабига таълим ола бошлади. Уни тугаллагандан кейин шу жойнинг ўзига физика-математика фанидан дарс беришди.

— Билим даргоҳида Юнус Ражабий, Имомжон Икромовлар билан бирга ишлаган дамларим

ёдимда, — хотирлайди Убайдулла ака. — Мен муаллимлик қилиш билан бирга завод ва фабрикаларга бориб, мусиқадан сабоқ берадим. Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Кубань, Краснодар, Ростов шаҳарларида бўлиб, муқаддас тупроғимизни душмандан ҳимоя қилишда қатнашдим. Кутилмаганда жанглардан бирида осколка қўлимни қаттиқ жароҳатлаб, мусиқа ижро этолмайдиган дара-

жага келтириб қўйди. Бу — тақдирнинг аянчли зарбаси эди. Чиндадим. Бошимга оғир кунлар тушса устоз Зафарийнинг гапларини эслайман: «Ҳаёт синовлардан иборат. Сабр-тоқат билан енгиб ўтишни ўргангин, ўғлим».

Урушдан кейин Убайдулла ака яна ўз касбини давом эттирди. Кейинчалик «Совет мактаби» жаридасида муҳаррир бўлиб ишлади. Пенсияга чиққач ўзи истиқомат қилаётган Октябрь районидаги «Янгибод» маҳалла комитетига раислик қилди.

— Жамоадаги фаолиятимни сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришдан бошладим, — суҳбатни «Янгибод» деворий рўзномасини чиқариб турик. Ўша кезларга медавом эттирди Убайдулла ака. — Нинг бошчилигимда бунёд этилган маърифат уйи ҳозир ҳам 3-4 маҳаллага хизмат кўрсатмоқда. Ай-

ниқса ёшлар билан ҳамфикр бўлиб, йўл-йўриқлар кўрсатиш диққат-марказимизда эди.

— Бу борада бугунги кунда аҳвол қандай, деб ўйлайсиз?

— Аввало маҳалла билан мактаб ўртасида узвий алоқа йўқлигини айтиб ўтишим зарур. Таълим ўз ўрнини тополмаяпти. Муаллимлар болалар дастидан «дод» дейишади. Ота-она, маҳалла ва жамоатчилик тарбия билан шуғулланмай қўйишди. Интизомсиз болаларни тартибга чақирғида оқсоқоллар, участка инспекторлари ёрдамига кўпроқ таяниш, уларни меҳнатга жалб қилиш услубларидан фойдаланиш зарур.

— Меҳнатга тортиш ҳақида гапирганда нимани назарда тутаяпсиз?

— Бизнинг «Намуна» иш мактабида болаларга касбчилик, дурдгорлик касблари, ёзда деҳқончилик ўргатилади. Қизлар эса пазандалик, тикувчиликдан сабоқ олишарди. Шу бонс ҳам билим даргоҳимиз тажриба мактаби дейиларди. Меҳнатимиз учун маълум даражада ҳақ ҳам олардик. Шу тариқа ҳар бир ўқувчи ҳаётдан ўз ўрнини топиб оларди. Ана шундай таълимни яна йўлга қўйиш зарур, деб ўйлайман.

СССР халқ маорифи аълочиси, Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари нишондори Убайдулла ака Расулов билан фарзанд тарбияси, мактаб ва оила ҳақида яна анча суҳбатлашдик. Доно фикрларини эшитар эканман, қани энди ҳар бир инсон у кишидек турмушда орттирган тажрибаларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган, оқил бўлса, деган ўй ҳаёлимдан ўтади...

Абдулла ШАРИПОВ.

Миллий удумларимиз

НАҲОРГИ ОШ

ТОНГ ёришмасдан эшик тақиллайди. Чиқсам одатда ён қўшним ошга чақираётган бўлади.

Наҳорги ош... Шу маросим баҳонасида бир-биримизни кўрамиз, кўришамиз. Донолар айтганидек, «Одам-одамга ғанимат». Доимо чақирган кишини узоқ куттирмай, тезда чиқишга ҳаракат қиламан. Тўп-тўп бўлиб келаётган жамоалар бизни илиқ қарши олишади.

Яхшиямки, гўзал урф-одатларимиз асрлар давомида сақланиб, ўз қадр-қимматини йўқотмай келаяпти.

Маҳалла одамлари жуда серган. Ошга ким келди, ким келмади, дарров билишади. Ҳар бир одамнинг қандайлигига айтиб беришлари мумкин. Яна бир томони, ошпазни кўрмасдан ошни ким дамлаганини галма-галдан гапириб, баҳо беришларига қойил қолмай иложингиз йўқ.

— Қўлинг дард кўрмагур Собир ошпаз ошни зап бошлабдими-а? Иликдай қилиб юборибди, — деб мақтаб қўяди қўшнилариимдан бири.

— Зокир ҳам чакимас, пазандаликда ҳар қандай ошпаздан қолишмайди, — дейди нинг ёнида ўтирган шериги.

— Янгамнинг ошини мазали қилган акамнинг гўшт ёғи, ака, — луқма ташлайди бошқа биров.

Бу таъриф-таъсифларни жим ўтириб эшитар эканман, наҳорги ошлардан бири — тўй оши кўз олдимдан ўтади. Қадим замонлардан бундай маросим қилиш одатимизга сингиб кетган. Айтишларича, бой-бадавлат кишилар илгари куч-қудрати, саҳийлигини шу тантананда намойиш этишга уринган эканлар. Афсона эмас, чиндан ҳам қирқ қулоқли чўян қозонда ош дамлаб, етти маҳаллага наҳорга ош тортилган.

Бир бой катга ҳудуддаги аҳолига қирқ кеча-ю, қирқ кундуз тўй-томоша билан ош бериб, қайтаётганларнинг ҳар бирига биттадан қўй улашаверибди. Аксига жониворлар ҳар тарафга ўзини уриб кўпчиликини қийнаб қўйибди. Шунда улар ранжишиб: «Қўйни беришга берди-ю, арқонини қизғанди-да», дейишибди. Бу сўзларни эшитган бой қанча бойлигини совурса ҳам халқни хурсанд қилолмаганига афсусланибди.

Шундан буён юртга ош беришдан олдин одамлар бир-бирлари билан маслаҳатлашадиган, тўйда шон-шухрат кетидан қўймайдиган бўлишган экан. Урф-одатлар фақат меъёрида ўтишига амал қила бошлашибди.

Наҳорги ошнинг ҳосияти ўзгача. Аввало эрта турган кишининг руҳи энгил тортади. Қолаверса маҳалладошлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда унинг аҳамияти каттадир.

Маҳмуд АХМЕДОВ.

Хайрихоҳлик

МАҲАЛЛАМИЗДА 84 та кўп қаватли уйлар жойлашган. Уй комитетлари ранслари билан ҳар ҳафтада бир марта кенгашиб турамыз. Навбатдаги йиғилишда рўзнома ва жаридаларга обуна масаласини муҳокама қилдик.

Маҳалла сардорларининг 26 нафари мавзе ва маҳалла ҳаётини ёритиб бораётган «Маҳалладош» рўзно-

билдиришди

масига ёзилишгани маълум бўлди. Сўзга чиққан ўртоқлардан кўпчилиги «Оқшом»га хайрихоҳлик билдириб, ўзлари бошқараётган уйлардаги аҳолини мазкур рўзномага обуна бўлишга даъват этишларини айтишди.

Эгамназар ҚОДИРОВ, Юнусобод даҳасидаги «Узбекистон 50 йиллиги» маҳалла комитетининг раиси.



Узоқ умр кўриб, пирю бадавлат яшашни ҳар бир инсон орзу қилади. Акмал Икромов районидаги Абдулҳай Токиев маҳалласида истиқомат қилаётган 106.

ёшлар йўлдош ота Нурматов етмишдан ортиқ невар ва чеваралари даврасида бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Засим Соколов сурати.

ТАНТАНА бўлаётган хонадонда дастурхон атрофида ўтирардик. Отахонлардан кўпчилиги маҳси, этикда. Биз, ёшлар эса замонавий пойабзалларда келганмиз.

Тўй тугагач барча ўридан туриб, ечиб қўйилган оёқ кийимларини топиб кия бошлашди. Отахонлар сира қийналмай калишларини кийиб, чаққонлик билан ташқарига чиқишди. Шунда менинг маҳси, калиш ва этик пухта ишлангани, шу билан бирга жуда қулай эканлигига ҳавасим келганди. Бу ҳақда ҳамроҳларимга айтган эдим, кимдир маҳсининг энгиллиги, калиш эса зах ўтказмаслиги ҳақида гапирди. Бошқа биров уларнинг турларини ўзи билганча таърифлаб кетди.

Қадим замонлардан буён халқимиз маҳси, калиш ва этикнинг қадрига етиб келаятир. Маҳсини ўрта ёшдаги ва кексалар кўпроқ кийишади. У ихчамлигидан ташқари оёқни оғритмайди, бир меъёрда

иссиқ ва бакуват тутати. Тўй, маърака ёки меҳмондорчиликка борганда кўрпачага ечмасдан чиқиб ўтириш мум-

Унутилаётган меросимиз

МАҲСИ, КАЛИШ ВА ЭТИК

кин. Калиш билан кийиладиган этикнинг ҳам шунга ўхшаш афзал томонлари бор. Оддий хром этик ва маҳси эркакларимиз миллий кийимларига дом ярашган. Маҳсини аёл кишилар ҳам кийишади. Никоҳ тўйларида

келинка маҳси-калиш соғва қилинади. Бу яхши одат деб ўйлайман. Уларнинг таърифи машҳур бўлиб кетганидан Тошкентдаги маҳалла ва кўчалардан бирига «Маҳсидўз» номи берилганини айтиб ўтиш зарур.

Илгари чармдан тайёрланган хром ва амиркон этикларни болалардан тортиб катталаргача кийишарди. Бухоро амирлиги даврида уларнинг бир неча тури зар ипларда тикилган. Шундай оёқ кийимлари ҳозир музейларда сақланмоқда.

Кейинги пайтда эл-юртта манзур бўлган маҳси, калиш, чармчи хром, амиркон этиклар камайиб кетди. Қайси пойабзал дўконига кирсангиз ботинка, туфли, шиппак, пошна этикларни кўрасиз. Айримларининг сифати паст, қиммат. Миллий оёқ кийимларимиз кўпроқ ишлаб чиқарила қўнгилдагидек бўларди.

Аҳмад РАМАЗОНОВ.

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, А З И З А!

ҲАЁТИМДА 20 йилдан ортиқ ҳимоячилик қилиб ҳеч қачон ҳозиргидек ҳаяжонга тушмаганман. Ваҳоланки, ҳар хил ҳодисаларни эшитиб, кўриб ўзим ҳимоя қилган ҳоллар жуда кўп бўлган. Бу воқеанинг негизи нимадан иборатлигини кўп масалаларга боғлаб кўриб, охири сизларга ҳам ҳавола қилишга қарор қилдим.

Маслаҳатхонамиз пойтахтнинг Беруний кўчасида жойлашган. Одатдагидек ишга келсам ҳимоячи қизимиз «Опажон, шу киши билан бир гаплашинг», деб илтимос қилиб қолди. Қарасам қўлида ёш боласи билан бир аёл турибди. Ёнида 10-11 ёшлардаги ўғил бола ҳам бор. Мен ўтиришга жой кўрсатиб «Марҳамат, эшитаман, Нима хизматда келдингиз» дедим. Аёл: «Қизим Азизанинг (маълум сабабларга кўра исмини ўзгартирдик) ҳеч қорни овқатга тўймайди», деди ва яна нималаринидир тез-тез тапира бошлади. Мен шовилмай ҳаммасини бошидан сўзлаб беришни илтимос қилдим.

Охири шунини тушундимки, аёлнинг фарзандлари ўғил болалар экан. Эр-хотин келишиб болалар уйдан қиз бола олишибди. 2 ойлик чақалоққа Азиза деб исм қўйишди. Ҳозир у 8 ёшга тўлибди. Энди эса Азизани қандай бўлмасин уйдан кетказиш ҳаракатига тушиб қолишган. Сабаби, унинг ҳеч қорни тўймас эмиш. Болалар унга олиб боришса бу қизнинг отаси, онаси бор, олмаймиз, деб рад жавоби беришибди.

Мен ҳуқуқшунос бўлганим учун аёлга қатор саволлар бердим:

- Сиз руҳий насал эмасмисиз?
- Йўқ.
- Умр йўлдошингиз борми?
- Ҳа.
- Уйингизда шароитлар етарлими?
- Азизани қонуний фарзанд қилиб олганимиздан кейин давлат томонидан уч хонали уй беришган.
- Қўлингиздаги болангиз қизми ёки ўғилми?
- Қиз бола.
- Азиза мактабда ўқийдими?
- 2-синфда таълим олаяпти. Уй ишларига ҳам қарашиб туради.
- У кўпроқ қандай таомлардан ейди?

— Шакар чойни, нонга сариғ суртиб ейишни яхши кўради. Кўнига бир ёки икки марта қозон қайнатамиз. Шунда ҳам қорни тўймай кўпинча нон сўрайди.

Азизалар! 2 ойлик чақалоқни 8 ёшга киритишнинг ўзи бўлмагандир. Давлатимиз шу қизнинг ризқ-насибаси учун етарли пул ажратиб, қолаверса кўп хонали уй берган бўлса-ю, ношукр оила қиз болани очкўзликда айблаб, кўчага қайтса. Бу қандай кўргилик ахир! Азизани гўдаклигидан тарбиялашган. Энди ёмонотликка чиқаётганига асли айбдор ўзлари эмасми? Менимча юз ўтиришга-ганининг асосий сабаби унинг Тошкент тайёрагоҳидан ўпиб олинганида. Бу уларнинг «ҳамиятига» тегаятганга ўхшайди.

Азиза энди дунёга келганида ҳали ота-онаси ним эканлигини билмай туриб ташлаб кетилган эди. Яна шу кўйга тушса унинг ҳоли нима кечади? Шуларни ўйламай иш тутаятган оила бошлиқларига бундай дегим келади:

— Сизларнинг охир-оқибат орзуингиз ушалиб, қиз кўрганингиз аслида Азизани фарзандликка олганингиз тўғрисида эмасми? Одамлар оиласига файз, кут-барака кириши учун элга ош улашишади. Сизлар эса кўз олдингизда катта бўлаётган дастёр қизингизни йўқотиш ташвишига тушганингизни асло кечириб бўлмайди. Қиз бола одатда меҳрибонлиги билан ажралиб туради. Азиза воёга етгач ўз фарзандларингиздан ҳам ортиқроқ меҳр-шафқат кўрсатса-чи?

Ҳозир ҳеч ким очликдан кўчада қоладиган замон эмас. Агар қизингизга бир бурда нон берсангиз унинг ризқиға ризқ қўшилиб бораётганини балки билмасиз. Қолаверса, Азиза ёлғиз эмаслиги, ён-атрофда яхши одамлар кўп-лигини унутманг.

Бу ҳанда сиз қандай фикрдасиз, азиз маҳалладошлар!

Махфуза ФАЙЗУЛЛАЕВА,

Октябрь район ҳуқуқий маслаҳатхонасининг ҳуқуқшуноси.

Томорқа хўжалигингизда

ЎРИК ДАРАХТИ ПАРВАРИШИ

АГАР ҳовлигизда ўрик дарахти бўлса унинг парваришига ҳозирдан киришинг. Шунинг унутмангки, бу дарахтга калмарез ва монилаль куйиш касалликлари энг кўп зарар келтиради. Бу касалликларни йўқотиш учун таркибда мис бўлган эритма пуркалади. Биринчи тадбир кузда, ҳазонрез-гиллик даврида ўтказилади.

Куз ва эрта баҳорда дори пуркаш учун 3 фоизли бордос суяқлигидан фойдаланиш зарур. Органик ва минерал ўқитлар эса 30-40 сантиметр чуқурга солинган маъқул. Агар дарахт ўсувдан қолган бўлса уларнинг миқдори бироз оширилади. Микроўқитларни кузда ёки баҳорда бир текис-

да ер юзига сочилиб, минерал ўқитлар билан ерга кўмиб юборилади.

Барглар тўкилгандан кейин ва бутун киш девомиде дарахт танаси, она шохларнинг нобуд бўлган пўстлоқлари темир сидиргич ёрдамида тозаланади. Қириб туширилган пўстлоқлар брезентга йиғиб олиниб, сўнг-ра ёқиб юборилади. Қари дарахтдаги қавак соғлом жойи-гача тозаланиб, 5 фоизли мис купороси эритмасида дезинфекция қилиниб, унга цемент ёки қум аралашмаси тўлдирилади.

Мирзохон СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалиги илмлари номзода.



«Қ Ў Ш И Қ»

ТАНИҚЛИ ўзбек заҳматкашлари, шу-лик кўрсатаётган аёл-мусаввири Раҳим Аҳме-нингдек турмушда ва ларимизга бағишланган дов ижодидан дала барча соҳаларда фаол-мавулар муносиб ўрин

олган. Сиз кўриб турган ушбу асар «Қўшиқ» деб аталади. Тушлик пайти. Дала шийонида ҳордиқ чиқараётган аёллар ўз ўй-хаёллари билан банд. Бир томондан оила, турмуш ташвишлари эса, бошқа томондан эртадан кечгача дала ишлари. Тур-ғунлик даврида фаровон ҳаёт, ҳақида куйланган қўшиқлар аслида сохта эканлиги энди аёлларга ҳам сир эмас.

Истеъдодли мўйқалам устаси ана шу ҳақиқатни рўй-рост, нур ва соялар орқали ифода эта олган. «Қўшиқ» асаридан кўзланган яна бир мақсад, қанчалик машаққатли дамларни бошларидан кечирмасин, аёлларимиз миллий қиёфаларини йўқотмаганликлари, ҳам-миша умид билан яшаб келганларини тасвирда акс эттиришдан иборатдир.

Обуна—92

ҚАЛАМ ҲАҚИДАН ЁЗИЛДИМ

КАСБИМ муаллим бўлгани учун кўп йиллардан бери болалар тарбияси, мактаб ва оилага оид мақола-лар ёзиб тураман. Уларнинг аксарияти «Тошкент оқшоми» рўзномасида ёритилапти. Тошкентимиздаги кундалик воқеалар ва ўзгаришлар билан таништириб бораётган бу рўзнома кўп йиллардан бери яқин маслаҳаттўйимга айланиб қолган. Унинг илова-васи «Маҳалладош»да «То-



живой тажаниг шаҳар кезади», «Унутилаётган меросимиз», «Оқиллар орамизда» каби рухналар остида бериб борилаётган материаллар қизиқарли ва ранг-баранглиги билан маъқул бўлапти. Шу боис матбуотларда эълон қилинган мақоаларимга юборилган қалам ҳақидан биринчи навбатда «Оқшом» билан бирга «Маҳалладош» рўзномасига ёзил-дим.

Фахриддин
НУРИДДИНОВ.

пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги Сағбон кўчасида яшовчи меҳнат фахрийси.

ЎЗ МАВЗУЛАРИМИЗ БОР

ҲАР гал «Маҳалладош»нинг янги сонини кўлга олиб, кўздан кечирганда ёритилган мавзулардан муштарийларнинг кўнгли тўлармикан, деган савол кўнглимиздан ўтади. Шундай бўлиши табиий. Чунки рўзнома ва ойномалар кўп, муштарий ўзига манзур бўлганини олиб ўқийди. Ана шу жиҳатни эътиборга олган таҳририятимиз «Маҳалладош»нинг ўз мавзулари бўлиши, уларда айнан маҳалла ва даҳаларда яшовчиларнинг ўй-фикрлари, қувонч ҳамда ташвишлари ёритилишига интиломоқда.

Рўзномада бир неча марта «Маҳалладош» — маҳалла — «Маҳалладош» руқни остида бир саҳифадан материаллар эълон қилиниб, уларда маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммолар чуқур акс эттирилгани кўпчи-лининг эътиборини тортди. Мухарририятимизга келаятган хатларнинг оқими бир мунча кўпайди. Айниқса пойтахтнинг эски шаҳар қисмида яшаётган аҳолидан кўплаб мактублар келди. Биз уларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, ичимлик суви, газ ва канализация масалаларида ёрдам сўраб, тегишли ташкилот ҳамда идораларга мурожаат қилдик. Маҳалладошларимиз турмуш тарзини атрофлича ифодалаш мақсадида юқоридаги руқни остида ранг-баранг мақо-лалар ёритиб бориш ниятидамиз.

Қайта қуриш, янгиланиш шарофати билан маҳаллалар шаклланиб, яна ўз мавқеига эга бўлиб бормоқда. Унутилаётган анъаналар, урф-одат ва маданий меросимизнинг тикланаётгани қувончлидир. Шу ўринда «Унутилаётган меросимиз» — руқни ҳақида илиқ сўзларни айтиш мумкин. Рўзномада хум, чархпалак, кашгул, ўсмадон, туржун, супа каби ота-боболаримиз замонда кенг фойдаланилган, кейинги пайтда эса турму-шимизда кам учраётган ашё ва жиҳозлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдик. Шуниси қувончлики, муштарийларимиз хат йўллаб ёки муҳарририятга ташриф бую-риб, қайси меросимизни ёритиш керак-лигини айтиб беришмоқда.

«Донобува даврасида», «Тоғжой тажаниг шаҳар кезади», «Кўпнинг кенгашига» руқ-

лари остида мунтазам бериб борилаётган турли мавзулардаги мақоалар ҳам кўпчи-ликка манзур бўлмоқда. Асосий мақсади-миз ҳозирги қийин шароитларда одамларга йўл-йўриқлар кўрсатиш, жипла бўлса бўлса ҳам улар турмушини энгиллатишдан иборатдир. Жойларда фаровонлик, обо-дончиликка эришмас эканмиз, юксак тур-муш маданияти тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Шу маънода «Оила: у қандай бўлмоғи керак?», «Оқиллар орамизда» руқналари очилгани айни кўнглимизда иш бўлди. Турли соҳа мутахассислари, кўпни кўрган оила бошлиқлари рўзнома орқали ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб, ёшларга оилавий муносабатларни яхшилаш, турмуш қийинчиликларини енгиш юзасидан йўл-йўриқлар беришмоқда.

1992 йилда ҳам «Маҳалладош» янада ўқимишли бўлиши, хонадонларимизга қу-вонч, хушхабарлар олиб кириши, муштарийларимизнинг яқин маслаҳаттўйимга айла-ниши учун режалар белгиланганимиз. Авва-ло «Маҳалла» дастурининг бажарилиши қатъий назорат остида бўлади. Маҳаллалар-даги ижтимоий муаммолар бўйича туркум мақоалалар уюштириб, уларнинг ҳал эти-лиши изчил ёритиб борилади.

Ҳар чорак якунида муҳарририятимизга келаятган хатлар оқими чуқур таҳлил қили-ниб, уларда кўтарилган масалалар шаҳар-даги мутасадди раҳбарларга ҳавола этила-ди ва мулоқот уюштирилади.

Вилоятлардаги маҳаллалар кенгашлари қошида муҳбирлар маркази ташкил этиб, муҳим янгилар, илғор тажрибаларни ёритиб-бориш ниятимиз бор. Шунингдек, Ленинобод, Чимкент, Уш каби шаҳарлар-даги ўзбек маҳаллалари билан алоқалар йўлга қўйилади.

Булардан ташқари «Маҳаллангиз тарихини биласизми?», «Авлодларимиз мероси», «Катталар ва болалар» каби янги руқналар очилиб, кўпчиликка манзур бўладиган, қи-зиқарли ҳамда мушоҳадали мақоалалар ёри-тиб борилади.